

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда Алишер Навоий атрофида тўпланган аллома, шоир ва донишмандлар орасида машхур ва комусий талант эгаларидан бири Воиз Кошифийдир. Камолиддан Хусайн Воиз Кошифий тахминан 1440 йилларда Хуросон вилоятидаги Сабзавор шахрининг Байхак кентига тугилган, унинг ота-онаси, болалиги хақида ҳозирча ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ.

Бизнингча, у бошлангич маълумотни Сабзаворда олган. У араб, форс, туркий тили, математика, астрономия, кимё, мусика, адабиёт, фикрдан тўлиқ маълумотга эга бўлган. Ёшлигиданок воизлик - сўз санъати билан шугулланган. Кошифий Сабзаворда тез орада кўзга кўринган воиз - нотик бўлиб танилган. Кейинчалик Нишопурда 1455-1468 йилларда эса Машхадда яшаб, воизлик қилган. 1468 йилнинг охирида Абдурахмон Жомийнинг тавсияси билан Хусайн Воиз Кошифий Хиротга келади ва қолган умрини асосан Хиротда Темурийлар раҳнамолигида ўтказади.

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярмида Темурийлар, хусусан Хусайн Бойқаро даврида Хирот Шарқнинг маданият маркази эди. Тарихчи олим Саййид Нафисийнинг айтишича, Кошифий умрининг охирида Хиндистонга қилган сафари хақида ҳам деярли маълумот йўқ. Хусайн Воиз Кошифийнинг икки кизи ва бир ўгли бўлиб, ўгли Фаҳриддин Али ас-Сафий ўз даврининг катта шоири, ёзувчиси ва олими ("Раҳохоти айн ал-хаёт" асари билан машхур) бўлиб етишган. Али ас-Сафийнинг ислом тарихига, пайгамбарлар хаётига, адабиётга, Хўжа Аҳрорга, ахлоқда, кимёга бағишланган ўндан ортик илмий ва бадиий асарлари бор. Хусайн Воиз Кошифий 1505 йилда Хиротда вафот этади.

Камолиддин Хусайн - алломанинг исм-шарифи, воиз (нотик) - лақаби, Кошифий (қашф қилмоқ, яратмоқ) - адабий тахаллусидир. Хусайн Воиз Кошифий асарларини ўз даврининг илмий тили - форс тилида ёзган бўлиб, ўндан кўпгина илмий, бадиий таржима асарлари ҳам мерос қолган. У фалсафа, ахлоқ, тилшунослик, адабиётшунослик, сиёсат, тарих, кимё, астрономия, математика, мусика, воизлик, шеър санъати, дин тарихи, фикх, тиббиёт каби фанларга оид 200 дан ортик асар ёзганлиги манбалардан маълум. Кошифийнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ва Х Сулаймонов номидаги Кўлёмалар институтларида 45 номдаги асарларининг 197 кўлёмма ва 75 тошбосма нусхалари сақланмоқда.

Бундан ташқари у ўз даврининг кўзга кўринган илоҳиётчи олими бўлиб, ҳадисни, Куръони Каримни ёддан билган, ҳатто Куръонга тўрт китобдан иборат шарҳ ҳам ёзган. Кошифийнинг "Ахлоқи Мухсиний", "Рисолаи Хотамия", "Анвори Сухайлий", "Футувватномаи Султоний", "Тавсири Хусайний", "Жавохирнома" каби ўндан ортик асари араб, татар, эски ўзбек, ўрду, турк, немис, инглиз, француз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ҳозирги кунда Кошифий асарлари Париж, Лондон, Берлин, Санкт-Петербург, Москва каби шаҳарларда, Ироқ, Туркия, Эрон, Афғонистон, Хиндистон, Бангладеш ва бошқа шарқ мамлакатларининг кутубхоналарида сақланмоқда. Чет мамлакатларда Кошифий асарларига кизиқиш XVIII-XIX асрлардаёқ қучли бўлиб, Гарбий Оврупонинг Х. Г. Кин, М. Дуайт, Д. Д. Дональдсон, Э. Браун, А. А. Арберри, Э. С. Кеннеди, Э. Розенталь, Х. Массе, К. С. Ламбтон, Р. Леви, А. М. Шастери каби машхур олимлари Марказий Осиё ва Эроннинг XIV-XV асрлардаги маданияти тарихини атрофлича

Ўрганишга ҳаракат қилганлар ва Кошифийнинг ижоди, меросига юкори баҳоо берганлар.

Кошифий ижодини ўз даврининг йирик тарихчиси Хондамир "Хулосат ул-ахбор" асарида: "Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр махоратга эга эди, чунончи унинг таъбирлари Казо ўки сингари бехатар бўларди. Унинг балогатоётлик ҳамда фасохатсифатлик китоблари кўп ва бехисоб бўлиб, уларнинг кўпи олиймаком амир Алишернинг атокли номи билан зийнатланган. Амир Алишернинг инояти ва илтифоти ул жанобнинг хол саҳифасига ҳамма вақт тушиб турарди..." - деб таърифлайди. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарининг тўртинчи мажлисида: "Мавлоно "Хусайн Воиз - "Кошифий" таҳаллус килур, Савзаворликдур. Йигирма йилга яқин борқим, шаҳардадур ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқеъ буллубтур. Он фан булгайқим, даҳли бўлмагай. Хусусан ваъз, иншо ва нужумки, анинг хақидадур ва хар қайсида муттайин ва машхур ишлари бор..." - деб юксак баҳолаган.

Хусайн Воиз Кошифий Хирот мадрасаларида талабаларга таълим-тарбия берган, Хуросон шаҳарларида ахлоқ-одобдан ваъз айтган. Кошифий ўз асарларида ижтимоий-ахлоқий ҳаёт, маънавият масалаларига катта ўрин ажратади, сиёсат, давлатни бошқариш, шох билан фуқаролар ўртасидаги муносабат, жамоани идора этиш, етук инсонни тарбиялаш муаммолари унинг ижодида катта ўрин эгаллайди. Уларда инсонпарварлик, халқпарварлик, юкори маънавиятга эга бўлиш, маданий юксалиш гоаяларини илгари суради. Унинг "Ахлоқи Мухсиний", "Рисолаи Хотамия", "Анвори Сихайлий", "Ахлоқи Карим", "Жавохирнома", "Луббо ул-маънавий фи-интихоби маснаъвий", "Искандар ойнаси", "Тафсири Хусайний", "Футувватномаи Султоний" каби асарлари шулар жумласидандир. Бу асарлардан Хуросон мамлақатида, Хиротда ва бошқа шаҳарлардаги мадрасаларда талабалар учун дарслик сифатида фойдаланилган. Мутафаккир бу асарларида ўзининг ҳаётдан олган собоқлари, тажрибалари асосида халқчиллик, инсонпарварлик, ижтимоий ҳаёт, адолат, ҳалоллик, софдиллик, поклик, тўғрилиқ, ростгуйлик хақидаги фикрларини ўқимишли, кизикарли ҳикоятлар, ривоятлар ёрдамида баён этади. Бу асарлар Кошифий тили билан айтганда "Хикмати амалий" асосида ёзилганлигидан бугунги кунда ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Хусайн Воиз Кошифий инсонни дунёдаги энг юксак олижаноб мавжудот деб билади. Одам номи яхшилик билан эслаш туфайли боқийдир, Ҳаётлик айёмининг ҳосили яхши ном орттиришдир. - дейди.

Бу Воиз Кошифий ахлоқий таълимотининг етакчи гоаясидир. У салбий ахлоқий ҳислатларни қоралайди ва уларнинг инсон ҳаётида ва жамият учун катта зарар олиб келишини қатор ҳикоят ва ривоятлар билан кўрсатади.

Хусайн Воиз Кошифий яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждон, бурч тушунчалари хақида ҳам аτροφлича фикр юритади. Ахлоқ нормаси - инсонларнинг ҳулқ, феъл-атворларини тартибга солиб турувчи ахлоқий талаблардир. Кошифий ижобий ҳислатларни кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади ва сабр, ҳаё, ифқат, покизалиқ, собиккадамлик, саҳийлик, саҳоват, ростгуйлик, шижоат, камтарлик, ҳушёрлик, баланд ҳимматлик, диёнатлилиқ, аҳдига вафолик, андишалилик, иззат-хурматни билиш, сир

яшира олиш каби фазилатларни бирма-бир таърифлаб ўтади. Кошифий ахлокли инсон деганда, илм-маърифатга интилувчи, хакикат ва адолатни севувчи, адолатсизликка карши курашувчи, мард, харакатчан, олижаноб, сахий, очик калб инсонни тушунган.

Ахлоқ масалаларини ёритишда Кошифийнинг "Ахлоқи Мухсиний" (Хусайн Бойкаронинг ўгли - Абдулмухсин Мирзога багишланган) асари энг машхур ва мухим ахамият касб этади. Кошифий ўз асарларида сиёсат, давлатни бошқариш масалалари бўйича ҳам ўз даври учун мухим фикрларни олга суради. У давлатни одилона боқаришда сиёсатдан фойдаланиш кераклигини алохида таъкидлайди:

Жахонда пок сув ичмакка бўлмас ҳеч ким кодир.

Агар шохлар сиёсат тигин элига қилмаса зохир.

- дейди.

Сиёсат мамлакатни бошқариш учун зарур, у шахсий иш эмас, балки ижтимоий ишдир.

Сиёсат адолатли бўлса, мамлакат, жамият ривож топади, халқи фаровон яшайди.

Сиёсатни одил подшоҳлар адолат билан бошқаришлари керак:

Мамлакат тобқой сиёсатдин низом,

Ғар сиёсат бўлмаса етгай ҳалал,

Топмагай олам иши асло тузут.

Бесиёсат ҳеч вақту ҳеч маҳал.

Ёки:

"... Адл (адолат - Р. М.) сиёсатсиз мавжуд бўлмас. Сиёсат йўқ бўлса, сардорлик заиф. На учунки мулку-миллат зийнати, дину давлати мусаллахи сиёсатдур", - деб мамлакат тараккиётини, адолат қарор топишини ҳам Кошифий сиёсатга боғлайди.

Демак, Хусайн Воиз Кошифий шоир, ёзувчи, олимгина эмас, балки доно сиёсатчи ҳам бўлган. Унинг жамият, давлат, тинчлик, ихтилофларни осойишталик билан ҳал этиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари ҳозир ҳам ўз ахамиятини сақлаб келмоқда.

Воиз Кошифий Алишер Навоийнинг маънавий даврасида бўлган XV аср Хуросон ва Мовароуннаҳр маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшган ҳамда ўз асарлари билан сўнги авлодларга катта таъсир кўрсатган машхур алломалардан бўлиб тарихда қолди. У комусий ижоди билан ўз даври маънавий юксалиши йўлида фаол хизмат қилди ва нафақат Марказий Осиё, балки бугун Шарқ умуминсоний, маданий бойлиқларини қучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатди.